

*Сизлар Мени излайсизлар ва агар Мени  
бутун юрагингиз билан изласангиз,  
топасизлар.*

**Қандай қилиб  
Худони  
таниб билиш  
мумкин**

## Қандай қилиб Худонитаниб билиш мумкин

Иброҳим Худога итоат қилиб ва Унинг сўзларига қулоқ солиб, "Худонинг дўсти" бўлганидек, сиз ҳам Худони таниб билишингиз ва Унинг иноятини, тинчлигини, дуою баракатларини олишингиз мумкин. Худога тўлиқ ва ҳақиқий бағишланиш орқали Уни таниб билиш - бу бизнинг ҳаётимиз учун энг муҳим нарсadır. Нақадар ажойиб: ким Худони бутун юраги билан ҳақиқатан изласа, Худо унга очилади!

Агар сиз ўз нопок йўлингиздан қайтасангиз ва ўзингизни Худога тўлиқ бўйсундирсангиз, Унинг Руҳи сизнинг ичингизда яшайди. Сиз Унинг ваъдаларига умид қилганингиз ва Унинг ортидан итоаткорлик билан эргашганингиз учун ҳеч нарса сизни Унинг севгисидан ажрата олмайди. У сизнинг Худойингиз бўлади, сиз эса Унинг қимматбаҳо фарзанди бўласиз. У сизни бебаҳо нарса билан қайта сотиб олганини ва сиз билан мулоқотда бўлишни хоҳлашини билиб оласиз.

Ушбу қуйидаги оятлар Библиядан олинган. Худо Библияни ёзиши учун айрим кишиларни илҳомлантирди. Шайтон буларни йўқ қилишга қанчалик уринса ҳам, Худо барибир мўъжизакор йўллар билан кўп асрлардан бери бу Сўзларни асради. Сиз Худонинг Сўзидаги бу оятларни ўқиганингизда, тушунишингиз учун Ундан англашни сўранг.

.... Сизлар эса Мени излайсизлар. Агарда Мени бутун юрагингиз билан изласангизлар, унда Мени топасизлар. (Еремия 29:13)

# Фақат битта ҳақиқий Худо бор 1.

Бизнинг Раббий Худойимиз — ягона Раббийдир. Ўз Раббий Худойингни бутун юрагинг, бутун жонинг ва бутун кучинг билан севгин.

**(Қонуннинг такрорланиши 6:4,5)**

Зеро осмонларни яратган Раббий шундай дейди, У — ерни барпо қилган ва уни тузган Худодир; У уни тасдиқлади, уни бекорга яратмади. У уни истиқомат учун барпо қилди; Мен — Раббийман ва бошқаси йўқ.

**(Ишаъё 45:18)**

Токи ердаги барча халқлар билиб олсинларки: Раббий — Худодир ва Ундан бошқа ҳеч ким йўқ.

**(3 Шоҳлар 8:60)**

Мен Раббийман, бу — Менинг исмимдир. Ўз шон-шуҳратимни ўзгага ва Ўз мақтовларимни бутларга бермайман.

**(Ишаъё 42:8)**

Менинг гувоҳларим эса сизлар ва Мен танлаган Менинг қулим бўлади,- дейди Худованд,- токи сизлар билиб олиб, Менга ишонинглар ва бу Мен эканлигимни англаб олинглар: Мендан аввал Худо бўлмаган ва Мендан сўнг ҳам бўлмайди. Мен, Мен Раббийман ва Мендан бошқа Қутқарувчи йўқ.

**(Ишаъё 43:10,11)**

Эй, ер юзининг четлари — Менга мурожаат қилинлар ва нажот топасизлар; чунки мен Худоман ва бошқаси йўқ.

**(Ишаъё 45:22)**

## 2. Худованд эзгу ва раҳм-шафқатлидир

Худованд раҳмдил ва сахий, ғазабланишда оғир ва кўп раҳм-шафқатлидир. Зеро осмон ер устидан қандай юқори бўлса, худди шундай Ундан қўрқадиганларга Унинг раҳм-шафқати буюқдир.

**(Санолар 102:8,11)**

Раббийнинг раҳм-шафқати Ундан қўрқадиганларга мангуликдан мангуликка...Унинг ҳақлиги эса Унинг аҳдини асрайдиганларга...

**(Санолар 102:17,18.6)**

Ё Раббий, ким Сендек ноҳақликларни кечирадиган Худо?...зеро Сен раҳм-шафқат қилишни севасан.

**(Микай 7:18)**

Раббийнинг раҳм-шафқати туфайли бизлар йўқ бўлиб кетмадик, чунки Унинг меҳрибонлиги тугамаган. Унинг раҳм-шафқати ҳар эрталаб янгиланади; Сенинг содиқлигинг буюқдир!

**(Еремия йиғиси 3:22,23)**

У кулфат юборса ҳам, Ўзининг буюк эзгулиги бўйича раҳм-шафқат қилади.

**(Еремия йиғиси 3:32)**

Раҳмдилларга Сен Ўзингни раҳмдилларча кўрсатасан...

**(Санолар 17:26.а)**

Раббийни улуғланг, чунки Унинг раҳм-шафқати то абад.

**(1 Йилномалар 16:34)**

...чунки мен билар эдимки: Сен — иноятли ва раҳмдил, узоқ сабр-тоқатли ва кўп шафқатли, ёмонликдан пушаймон бўлувчи Худосан.

**(Йонаҳ 4:2.6)**

Раббий менга узоқдан намоён бўлди ва деди: Мен сени абадий севги билан севдим ва шунинг учун сенга илтифотимни узатдим. **(Еремия 31:3)**

Чунки Мен сизларга нисбатан эга бўлган мақсадларимни биламан, дейди Раббий, мақсадларим ёвузликка эмас, эзгуликкадир, токи сизларга умидвор келажак берайин. **(Еремия. 29:11)**

Мен сизларни севдим,- дейди Худованд. **(Малъахи 1:2.а)**

Ота фарзандларига қандай раҳм қилса, худди шундай Худованд Ундан қўрқадиганларга раҳм қилади. **(Санолар 102:13)**

Мана, буюк қайғу менга эзгуликни келтирди. Сен менинг жонимни ҳалокат жаридан халос қилдинг, чунки менинг ҳамма гуноҳларимни Ўз орқанга ташлаб юбординг. **(Ишаъё 38:17)**

Худонинг бизга бўлган севгисини билдик ва бунга имон келтирдик. Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севган. **(1 Юҳанно 4:16.а,19)**

Сенинг Раббий Худойинг сенинг орангдадир. У сени қутқаришга кучлидир; сен ҳақингда қувонч билан шодланади, Ўз севгиси туфайли шафқатли бўлади, сен ҳақингда ҳайқириқ билан хурсандчилик қилади. **(Сафаниё 3:17)**

Эй Худойим, Сенинг раҳм-шафқатинг нақадар бебаҳодир! **(Санолар 35:8.а)**

#### **4. Ҳаётдаги энг қимматбаҳо нарса — бу Худони таниб билишдир**

Ўз Худосини таниб билган одамлар кучаядилар  
ва ҳаракат қиладилар. **(Дониэл 11:32.6)**

Аммо ким мақтанаётган бўлса, бутун ерда раҳм-шафқат, ҳукм ва ҳақиқлик ўрнатувчи Мени билгани учун ва Мени тушунгани учун мақтансин; чунки Менга фақат шугина маъқул, дейди Раббий. **(Еремия 9:24)**

Унинг ваҳийларини асрайдиганлар, бутун юраги билан Уни изловчилар — бахтлидирлар. **(Санолар 118:2)**

Мен сенга ҳаёт ва ўлим, дуо ва лаънатни таклиф қилдим. Сен ва сенинг авлодинг тирик бўлиши учун ҳаётни танла, токи сен ўз Раббий Худойингни севиб, Унинг овозига итоаткор бўлгин ва Унга ёпишиб олгин, чунки У — сенинг ҳаётинг ва кунларингнинг узоқлигидир...

**(Қонуннинг такрорланиши 30:19.6,20.а)**

Чунки Мен қурбонликни эмас раҳм-шафқатни хоҳлайман ва тамоман ёндирилиш қурбонлигидан кўра кўпроқ Худони билишни истайман.

**(Ҳўшея 6:6)**

Буғу оқар сувларни тусагандай, жоним ҳам Сени шундай тусамоқда, ё Худо!

**(Санолар 41:2)**

Менинг ҳузурим сен билан бирга боради ва Мен сенга ором бераман,- деди Худованд.

**(Чиқиш 33:14)**

## **Худосиз ҳаёт бузилишга олиб келади 5.**

Сизлар Раббий билан бўлганингизда, У сизлар билан бўлади; агар Уни изласангиз, У сизларга топилади; агар сизлар Уни қолдирсангиз, У сизларни қолдиради. **(2 Йилномалар 15:2.6)**

Инсоннинг юраги ҳамма нарсадан кўра маккор ва жуда ҳам бузилган; ким уни билади? **(Еремия 17:9)**

Шундай йўл борки, у одамга тўғридай кўринади, аммо унинг охири ўлим томон йўлдир. **(Ҳикматлар 16:25)**

Агар Худо гуноҳ қилган фаришталарни ҳам аямаган бўлса-да, ҳукм кунигача сақлаш учун уларни жаҳаннамнинг зимистон қаърига қамаб қўйган бўлса, унда художўйларни васвасадан қандай халос қилишни, қонунсизларни эса жазо учун ҳукм кунигача қандай сақлашни Худованд билади. **(2 Петъор 2:4,9)**

Агар Раббийнинг овозига қулоқ солмасангиз ва Раббийнинг буйруқларига қаршилик қилсангиз, унда Раббийнинг қўли сизларга қарши бўлади. **(1 Шоҳлар 12:15.а)**

Ким Менда жо бўлмаса, новда каби ташлаб юборилади ва қуриб қолади. Бундай новдаларни эса териб, оловга ташлайди ва улар ёниб кетади. **(Юҳанно 15:6)**

Қонунсизларнинг барчаси эса қирилиб кетадилар; бетавфиқларнинг келажаги кесиб ташланади. **(Санолар 36:38)**

## **6. Худони таниб билиш учун Уни излаш керак**

Сизлар Мени излайсизлар ва агар Мени бутун юрагингиз билан изласангиз, топасизлар.

**(Еремия 29:13)**

Уни кумушдек изласанг, яширилган хазинадек қидирсанг, ... Худони таниб билишни топасан.

**(Ҳикматлар 2:4, 5)**

Сўраб туринглар ва сизларга берилади. Излаб туринглар ва топасизлар. Тақиллатиб туринглар ва сизларга очилади.

**(Матто 7:7)**

Имонга эга бўлмасдан эса Худога маъқул бўлишнинг имкони йўқ. Чунки Худонинг олдига келадиган одам Унинг борлигига ва Уни изловчиларга мукофот беришига ишониши керак.

**(Ибронийларга 11:6)**

Мени севганларни мен севаман, синчиклаб қидирганлар мени топадилар.

**(Ҳикматлар 8:17)**

Раббий Унга умид боғлаётганларга ва Уни излаётган жонга Эзгудир.

**(Еремия йиғиси 3:25)**

Худо барча миллат одамларини бир қондан яратди, ... токи улар Худони изласинлар - Уни сезиб қолмасмикинлар ва Уни тополмасмикинлар; зеро У ҳар биримиздан узоқда эмасдир.

**(Ҳаворийлар 17:26.а, 27)**

Аmmo мен Худони излаган бўлар эдим, ўз ишларимни Худога топширган бўлар эдим.

**(Аюб 5:8)**

## Худо бизларнинг Унга келишимизни хоҳлайди

7.

Чунки сизларнинг Раббий Худойингиз эзгу ва раҳм-шафқатлидир ва агар сизлар Унга мурожаат қилсангиз, У сизлардан юзини ўгирмайди.

**(2 Йилномалар 30:9.6)**

Чунки Сен, ё Раббим, Сени чақирганларнинг ҳаммаси учун эзгу ва кечиримлисан ҳамда кўп раҳм-шафқатлисан.

**(Санолар 85:5)**

Худого яқинлашинглар ва У сизларга яқинлашади.

**(Ёқуб 4:8.а)**

Худованд Уни чақирганларнинг ҳаммасига, Уни ҳақиқатда чақирганларнинг ҳаммасига яқиндир.

**(Санолар 144:18)**

Ўшанда келинлар ва бирга ўйлаб кўрамиз, дейди Худованд. Агар гуноҳларингиз худди қип-қизилдек бўлса ҳам - қордек оппоқ қиламан; агар қизил бўлса ҳам - тўлқиндек оқартираман.

**(Ишаъё 1:18)**

Эй, барча, захматдан қийналганлар ва оғир юк юклатилганлар! Менинг ёнимга келинлар, Мен сизларга ором бераман. Менинг бўйинтуруғимни ўзингизга олинглар ва Мендан ўрганинглари. Чунки Мен беозор ва юрагимдан камтарман. Шунда жонларингиз учун ором топасизлар.

**(Матто 11:28, 29)**

Менинг олдимга келган одамни эса асло ҳайдаб юбормайман.

**(Юҳанно 6:37.6)**

Эй, чанқаётганлар! Ҳаммаларингиз сувларга келинлар. Ҳатто, эй сизлар, пули йўқлар ҳам келинлар, харид қилиб энглари. Келинлар! пулсиз ва тўловсиз шаробу сутни харид қилинглари.

**(Ишаъё 55:1)**

## 8. Худо муқаддас

Ким худолар орасида худди Сендек, ё Раббий?  
Ким худди Сендек муқаддасликда улуғвор....?

(Чиқиш 15:11.а)

Раббий каби муқаддас бўлган ҳеч ким йўқ, чунки  
Сендан бошқаси йўқ.

(1 Шоҳлар 2:2)

Худо бетавфиқлик қилишдан ва Сарвари Коинот  
ноҳақ бўлишдан жуда ҳам узоқ.

(Аюб 34:10.6)

Қўшинлар Худованди муқаддас, муқаддас,  
муқаддасдир! Бутун ер юзи Унинг шон-шуҳратига  
тўлган!

(Ишаъё 6:3.6)

Чунки Баланд ва энг Юксак Бўлган, абадий  
яшайдиган, исми Муқаддас Бўлган, шундай дейди:  
Мен осмон баландлигида ва муқаддас маконда  
яшайман.

(Ишаъё 57:15.а)

Биргина Худодан бошқа ҳеч ким эзгу эмас.

(Марк 10:18.6)

Ё, Раббий, ким Сендан қўрқмас ва Сенинг  
номингни улуғламас экан? Чунки биргина Сен  
муқаддасдирсан!

(Ваҳий 15:4.а)

Сенинг буюк ва даҳшатли исмингни  
улуғласинлар, чунки у муқаддасдир.

(Санолар 98:3)

Бизнинг Раббий Худойимизни юксалтиринглар,  
чунки бизнинг Раббий Худойимиз муқаддасдир.

(Санолар 98:9)

"Илгари бор бўлган, ҳозир бор ва келаётган  
Сарвари коинот, Худоё Худованд муқаддас,  
муқаддас, муқаддасдир!"

(Ваҳий 4:8.6)

## Худонинг халқи муқаддас бўлиб яшаши керак

9.

Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонадилар ва даҳшатдан титрайдилар. Эй нодон одам, ишларсиз имон ўлик эканлигини билишни хоҳлайсанми? Ўз-ўзингизни алдаб, фақат Сўзнинг тингловчиларигина эмас, балки бажарувчилари бўлинглар. (Ёқуб 2:19,20;1:22)

Бетавфиқнинг йўли Раббийга жирканчлидир, аммо У ҳақликнинг пайида юрганни севади.

(Ҳикматлар 15:9)

Кимки мен Худони таниб билдим деб айтса-ю, лекин Унинг амрларига риоя қилмаса, у киши ёлғончи ва унда ҳақиқат йўқдир. Худонинг фарзандлари ҳам, иблиснинг фарзандлари ҳам шундан билинадик: ҳақ иш қилмаган ҳамда биродарини севамаган ҳар бир кимса Худодан эмасдир.

(1 Юҳанно 2:4, 3:10)

Шундай қилиб, муқаддасликка ва ҳамма билан тинч-тотувликка интилинглар, чунки муқаддасликсиз ҳеч ким Раббийни кўрмайди.

(Ибронийларга 12:14)

Лекин сизларни даъват этган Худо муқаддас бўлганидай, сизлар ҳам бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар.

(1 Петъор 1:15)

Сен яшай олишинг учун ёвузликни эмас, яхшилиқни изла; шунда Қўшинлар Худованди сен билан бирга бўлади.

(Омўс 5:14.а)

Унинг муқаддас жойида ким тура олар экан? Кимнинг қўли пок ва юраги тоза бўлса ўша.

(Санолар 23:3.6,4.а)

Эй, инсон! Сенга нима эзгу эканлиги ва Худованд сендан нимани талаб қилаётгани эълон қилинган: адолат иш қилмоғи, раҳм-шафқатни севмоғи ва ўз Худоси билан камтарликда юрмоғи лозим.

**(Микай 6:8.6)**

Муқаддас бўлинглар, чунки Мен Раббий, сизларнинг Худойингиз муқаддасман.

**(Левит 19:2.6)**

"Раббий Худовандингни бутун юрагинг, бутун жонинг, бутун кучинг, бутун онгинг билан севгин ва ўз яқинингни ўзингни севгандек севгин".

**(Луқо 10:27.6)**

Сен амрларни биласан-ку: "Зино қилма. Ўлдирма. Уғирлик қилма. Сохта гувоҳлик берма. Бировнинг ҳақини ема. Ота-онангни ҳурмат қил".

**(Марк 10:19)**

Бу дунёга тенглашманглар, балки онгингизни янгилаш орқали тубдан ўзгаринглар.

**(Римликларга 12:2.а)**

Бу Қонун китоби сенинг оғзингдан тушмасин; сен уни туну кун ўрган, токи унда ёзилганларнинг ҳаммасини аниқ бажара олгин: шунда сен ўз йўлларингда муваффақиятли бўласан ва донолик билан иш тутасан.

**(Ешуа 1:8)**

Худонинг имонига эга бўлинглар. **(Марк 11:23.а)**

Ўз Раббий Худойингизга хизмат қилинглр.

**(Чиқиш 23:25.а)**

## Худо нафратланадиган нарсалар 11.

Раббий олти нарсадан нафратланади, ҳатто етти нарса Унга жирканчли: гердайиб қараш, ёлғончи тил, бегуноҳ қонни тўкадиган қўллар, нопок ният қиладиган юрак, ёвузликка тез югурадиган оёқлар, ёлғон гапирадиган сохта гувоҳ ва ака-укалар орасига низо солувчидир.

**(Ҳикматлар 6:16-19)**

Чунки Мен, Раббий адолатли ҳукмни севаман, талон-тарожлик ва зўравонликдан нафратланаман...

**(Ишаъё 61:8.а)**

Лекин қўрқоқ ва имонсиз, ҳаром ва қотил, зинокор ва фолбин, бутпараст ва ҳамма ёлғончиларнинг қисмати - олов ва олтингугурт билан ёнаётган кўлдадир. Бу иккинчи ўлимдир.

**(Ваҳий 21:8)**

Шунинг учун руҳингни назорат қилиб тургин; ҳеч ким ўз ёшлигидаги хотинига қарши хиёнат қилмасин. Мен ажралишдан нафратланаман, дейди Раббий Исроилнинг Худоси.

**(Малъахи 2:15.6,16.а)**

Сизлардан ҳеч ким ўз яқинига қарши ўз юрагида ёвузликни ўйламасин, ёлғон қасамларни севманглар, чунки Мен буларнинг ҳаммасидан нафратланаман, дейди Раббий.

**(Закариё 8:17)**

Сиз одамлар олдида ўзингизни ҳақ қилиб кўрсатасизлар, лекин Худо юрагингизни билади. Чунки одамларнинг назарида аҳамиятли бўлган Худо назарида жирканчлидир.

**(Луқо 16:15.6)**

## 12. Инсон Худонинг талабларини бажара олмади

Лекин сизларни биламан, ичингизда Худога бўлган севги йўқ. **(Юҳанно 5:42)**

Кимки Қонуннинг барчасига риоя қилиб, бирон бир нарсада гуноҳ қилиб қўйса, у ҳамма нарсада айбдор бўлади. **(Ёқуб 2:10)**

Шунда мен дедим: Менинг ҳолимга вой, ўлдим энди! Чунки мен нопок оғизли одамман, оғзи нопок халқ орасида ҳам яшайман - менинг кўзларим эса Подшоҳим, Қўшинлар Худовандини кўрди. **(Ишаъё 6:5)**

Шундай қилиб, ким хайрли иш қилишни билсаю, уни амалда қилмаса, у гуноҳ қилган бўлади. **(Ёқуб 4:17)**

Худди ёзилганидек: "Ҳақ киши йўқдир - биронта ҳам йўқ". **(Римликларга 3:10)**

Чунки ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг шон-шуҳратидан маҳрум бўлган. **(Римликларга 3:23)**

Ҳақ иш қилмаган ҳамда биродарини севмаган ҳар бир кимса Худодан эмасдир. **(1 Юҳанно 3:10)**

Бизларнинг ҳаммамиз қўйлар каби адашиб юрдик, ҳар биримиз ўз йўлимизга бурилиб кетдик. **(Ишаъё 53:6.а)**

Бу муқаддас Худоё Худованднинг олдида ким тура олар экан? **(1 Шоҳлар 6:20.6)**

## Фақат ишларимизгина Худони 13. рози қила олмайди

Зеро мен уларга гувоҳлик беряпманки, уларнинг Худого нисбатан рашки бор, бироқ бу рашк билимга асосланмаган. Чунки Худонинг ҳақлигини англамай, ўзларининг ҳақлигини ўрнатишга тиришиб, улар Худонинг ҳақлигига бўйсунмадилар. **(Римликларга 10:2,3)**

Бизларнинг ҳаммамиз - нопок каби бўлиб қолдик, барча ҳақлигимиз эса булганган кийим кабидир. **(Ишаъё 64:6.а)**

Мен ҳақ одамга: ростдан сен яшайсан, деб айтганимда, аммо у ўз ҳақлигига ишониб ноҳақлик қилиб қўйса, унда унинг ҳақ ишлари ёдга олинмайди, у эса қилган ноҳақлигидан ўлади. **(Ҳезеқил 33:13)**

Шунинг учун тана изми бўйича яшовчилар Худони рози қила олмайдилар. **(Римликларга 8:8)**

Зеро Қонун ишлари билан Унинг ҳузурида ҳеч кимса оқланмайди. **(Римликларга 3:20.а)**

Худонинг олдида ҳеч ким Қонун орқали оқланмаслиги аниқдир, чунки "Ҳақ одам имони билан яшайди". **(Галатияликларга 3:11)**

## 14. Гуноҳ бизни Худодан ажратмоқда

Шунинг учун битта одам орқали дунёга гуноҳ кириб, гуноҳ орқали эса ўлим кирганидай, худди шундай ўлим ҳамма одамларга ўтди, чунки ҳамма гуноҳ қилган. **(Римликларга 5:12)**

Эҳтирос эса ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, қилинган гуноҳ эса ўлимни туғади. **(Ёқуб 1:15)**

Лекин бетавфиқликларингиз сиз билан сизнинг Худойингиз орасидаги ажралишга олиб келди. Сизларнинг гуноҳингиз эшитмаслик учун Унинг юзини сизлардан ўгиртирмоқда. **(Ишаъё 59:2)**

Ҳақлик ҳаёт сари олиб боради, ёмонликка интилган эса ўз ўлимига интилади. **(Ҳикматлар 11:19)**

Раббий шундай дейди: Нима учун сизлар Раббийнинг амрларини бузмоқдасизлар? Сизларда муваффақият бўлмайди. Сизлар Раббийни қолдирганингиз учун У ҳам сизларни қолдиради. **(2 Йилномалар 24:20.6)**

Чунки бўйсунмаслик фолбинликка ўхшаган гуноҳдир, қаршилик кўрсатиш эса бутпарастликка ўхшаган нарсадир.... **(1 Шоҳлар 15:23.а)**

Ҳақиқатан ҳам...ёвузлик қилганлари учун ўша куннинг ўзидаёқ Мен улардан Ўз юзимни яшираман. **(Қонуннинг такрорланиши 31:18.6)**

Гуноҳ қилган жон ўлади. **(Ҳезеқил 18:20.а)**

Худо ҳақ ҳукм қилади, Худо ҳар куни қаттиққўллигини кўрсатяпти. **(Санолар 7:12)**

Раббий узоқ сабр-тоқатли ва куч-қудратда буюқдир, У бетавфиқни жазосиз қолдирмайди. **(Наҳум 1:3.а)**

Мана шулар учун Худонинг ғазаби бўйсунмаслик ўғилларининг бошига келмоқда. **(Колосаликларга 3:6)**

Ҳақиқатни ўз ноҳақлиги билан оёқ ости қилаётган инсонларнинг барча бетавфиқлигига ва ноҳақлигига эса осмондан Худонинг ғазаби ошкора бўлмоқда. **(Римликларга 1:18)**

Улар ҳар қандай ноҳақликка, фоҳишабозликка, бетавфиқликка, тамагирликка ва ёвузликка тўлган бўлиб, ҳасадгўйликка, қотилликка, низога, алдовга, бадфеълликка, тухматга тўлгандирлар. Улар ғийбатчи, Худодан нафратланувчи, дилозор, мақтанчоқ, мағрур, ёмонлик ихтирочиси, ота-онага итоатсиз, фаҳмсиз, аҳд бузувчи, меҳрсиз, мурасасиз ва раҳм-шавқатсиздирлар. Улар Худонинг ҳақ ҳукмини, яъни бундай ишларни қилувчилар ўлимга лойиқ эканлигини биладилару, бироқ нафақат буларни ўзлари қиладилар, балки бу ишларни қилувчиларни ҳам маъқуллайдилар. **(Римликларга 1:29-32)**

...ёмонлик қилувчи ҳар бир кишининг жонига қийноқ ва қайғу бўлсин. **(Римликларга 2:9.6)**

Инсонларга бир марта ўлиш ва ундан кейин ҳукм қилиниш тайинланганидай...

**(Ибронийларга 9:27.6)**

Шунда мен Худонинг олдида турган каттаю кичик ўликларни кўрдим. Китоблар очилди. Ҳаёт китоби деган бошқа бир китоб ҳам очилди. Ўликлар эса китобларда ёзилгани бўйича, ўз ишларига яраша ҳукм этилди. Кимнинг номи ҳаёт китобида ёзилганлиги топилмаса, олов кўлига ташланди.

**(Ваҳий 20:12, 15)**

Тирик Худонинг кўлига тушиш нақадар даҳшатлидир!

**(Ибронийларга 10:31)**

Лекин Мен сизга айтаманки, одам айтадиган ҳар бир бекор сўзи учун ҳукм кунда ҳисобот беради.

**(Матто 12:36)**

Чунки ҳамма яширин нарсаларни (у яхшими ёки ёмонми), ҳар бир ишни Худо ҳукмга олиб келади.

**(Воизхон 12:14)**

Дунёнинг охирида ҳам шундай бўлади: фаришталар чиқиб, бетавфиқларни ҳақлар орасидан ажратиб, уларни оловли ўчоққа ташлайдилар. У ерда йиғи ва тишлар ғижирлатиши бўлади.

**(Матто 13:49, 50)**

## **Биз Худодан яширина олмаймиз 17.**

Раббийнинг кўзлари ҳамма жойдадир: У ёмонларни ҳам, яхшиларни ҳам назорат қилиб туради.  
**(Ҳикматлар 15:3)**

Раббий, Сен мени синаб кўрдинг ва билиб олдинг. Мен қачон ўтириб-туришимни Сен биласан, фикр-хаёлимни узоқдан англайсан. Юришиму ётишимни Сен текширасан, барча йўлларим Сенга маълумдир. Ҳали оғзимда сўз бўлмасиданоқ, ё Раббий, Сен уни тўла-тўқис биласан.  
**(Санолар 138:1-4)**

Раббий инсон қараганидай қарамайди; чунки инсон юзга, Раббий эса юракка қарайди.  
**(1 Шоҳлар 16:7.6)**

Қулоқни ўтқазган эшитмайдими? кўзни ясаган кўрмайдими?  
**(Санолар 93:9)**

Чунки Менинг кўзларим уларнинг барча йўлларида; улар Менинг юзимдан яширин эмас, уларнинг ноҳақликлари ҳам Менинг кўзларимдан яширин эмасдир.  
**(Еремия 16:17)**

Худонинг олдида яширин бўлган ҳеч бир ижод йўқ, Унинг кўзи олдида ҳамма нарса очиқ ва аёндыр: биз Унга ҳисобот берамиз!  
**(Ибронийларга 4:13)**

Бетавфиқлик қилганлар яшириниши учун зулмат ҳам, ўлим сояси ҳам йўқдир.  
**(Аюб 34:22)**

## 18. Гуноҳдан бурилиб кетиш керак

Наҳотки Мен қонунбузарнинг ўлимини хоҳлайман?  
- дейди Худоё Худованд. Менинг хоҳишим - унинг ўз  
йўлларида бурилиб, тирик қолиши эмасми?

**(Ҳезеқил 18:23)**

Сизларга йўқ дейман. Лекин тавба қилмасангиз,  
ҳаммангиз ҳам шундай ҳалок бўласизлар. **(Луқо 13:3)**

Ўз гуноҳларини яширган муваффақиятга  
эришмайди; аммо кимки гуноҳларида иқрор бўлиб  
уларни қолдирса, раҳм-шафқат топади.

**(Ҳикматлар 28:13)**

Раббий эса дейди: Шунинг учун энди, рўза тутиб,  
йиғи ва фарёд уриб, бутун юрагингиз билан Менга  
мурожаат қилинглар. Кийимни эмас, юрагингизни  
парчалаб ўз Раббий Худойингизга мурожаат  
қилинглар; чунки У эзгу ва меҳрибон, узоқ сабр-  
тоқатли ва кўп раҳм-шафқатли, кулфатларда раҳм  
қилувчидир.

**(Йўэл 2:12, 13)**

Ўзингиз билан ибодат сўзларини олиб, Раббийга  
мурожаат қилинглар ва Унга айтинглар: ҳар қандай  
қонунсизлигимизни олиб ташла ва илтифот билан  
қабул қил.

**(Ҳўшея 14:2.а)**

У одамларга қарайди ва дейди: Мен гуноҳ  
қилардим ва ҳақликни бузардим, жазо эса менга  
берилмади; У менинг жонимни қабрдан озод қилди,  
менинг ҳаётим нур кўрмоқда.

**(Аюб 33:27, 28)**

Бетавфиқ сизларни барбод қилмаслиги учун тавба  
қилинглар ва сизларнинг барча гуноҳларингиздан  
юзингизни ўғиринглар.

**(Ҳезеқил 18:30.б)**

## **Тавба қилиш кечиримни келтиради 19.**

Раббийни топиш мумкин бўлганда, Уни изланглар. У яқин бўлганида, Уни чақиринглар. Бетавфиқ ўз йўлини ва қонунбузар ўз фикр-хаёлларини қолдириб, Раббийга мурожаат қилсин ва У унга раҳм қилади; бизнинг Худойимизга мурожаат қилсин, чунки У кўпдан-кўп шафқатлидир. **(Ишаъё 55:6,7)**

Худованд юраги эзилганларга яқиндир ва руҳи билан бўйсунганларни қутқаради. **(Санолар 33:19)**

...уларнинг ноҳақликларини ва гуноҳларини кечиришим учун уларнинг ҳар бири ўз ёвуз йўлларида қайтсин. **(Еремия. 36:3.6)**

Бироқ мен ўз гуноҳимни Сенга билдирдим ва қонунсизлигимни Сендан яширмадим. Мен дедим: "Раббимга ўз жиноятларимда иқроп бўламан", Сен эса гуноҳимнинг айбини кечирдинг. **(Санолар 31:5)**

Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, У содиқ ва Ҳақ бўлгани учун бизнинг гуноҳларимизни кечириб, бизни ҳар қандай ноҳақликдан поклайди.

**(1 Юҳанно 1:9)**

Шундай қилиб, гуноҳларингиз ўчирилиши учун тавба қилинглар ва Худога юзингизни ўгиринглар.

**(Ҳаворийлар 3:19)**

Раббий Худойимнинг нима дейишини тинглайман. У Ўзининг халқига ва Ўзининг танланганларига тинчлик бўлсин, деб айтади; бироқ улар яна телбаликка қайтмасинлар. **(Санолар 84:9)**

Тавба қилиш - гуноҳдан ўгирилиш ва гуноҳни эътироф этиш демакдир.

## 20. Худо билан ярашиш учун қурбонлик керак

У қўлини тамоман ёндирилиш қурбонлигининг бошига қўйсин, шунда у гуноҳларидан покланиши учун илтифот топади. Чунки тананинг жони қонидадир. Мен қонни сизларнинг жонларингиз покланиши учун қурбонгоҳингизга белгиладим, чунки бу қон жонни поклайди. **(Левит 1:4; 17:11)**

Зеро Қонун бўйича қарийб ҳамма нарса қон билан покланади, қон тўкилмасдан эса кечирим бўлмайди. **(Ибронийларга 9:22)**

Қўзингиз бенуқсон, эркак зотли, бир ёшли бўлсин... Қон эса сизлар яшайдиган уйлариңгизда аломат бўлади. Мен қонни кўриб, сизларни четлаб ўтаман ва ўлимли яра сизларни йўқ қилмайди. **(Чиқиш 12:5.а,13.а)**

Исҳоқ деди: Мана олов бор, ўтин бор, лекин тамоман ёндирилиш қурбонлиги учун қўзи қани? Иброҳим эса: Ўғлим, тамоман ёндирилиш қурбонлиги учун Худонинг Ўзи Ўзига қўзини таъминлайди,- деди... Шунда Иброҳим бошини кўтариб, шу нарсани кўрди: мана, орқасида бир қўчқор чакалакзорга шохи билан ўралиб қолган эди. Иброҳим бориб, қўчқорни олди ва уни ўғлининг ўрнига тамоман ёндирилиш қурбонлигига топширди. **(Ибтидо 22:7.б,8.а,13)**

## Исо - Худонинг тайинланган қўзисидир 21.

Эртасига Яҳё унинг олдига келаётган Исони кўриб, деди: Мана, Худонинг Қўзиси. У дунёнинг гуноҳини олиб кетади! (Юҳанно 1:29)

Худованд ҳаммамизнинг гуноҳларимизни Унга юклади. У қийналар эди, лекин У Ўз ихтиёри билан азоб чекарди ва оғзини очмас эди. У қўзидек бўғизланишга олиб борилган эди, қўй унинг жунини қирқувчилари олдида индамай тургани каби, У ҳам Ўз оғзини очмас эди. (Ишаъё 53:6,7)

Масиҳ такалар ва ҳўкизларнинг қони билан эмас, балки Ўз қони билан муқаддас маконга бир марта кириб, тўлов билан бизларни то абад сотиб олди. У эса Ўзининг қурбонлиги билан замоннинг охиригача гуноҳни йўқ қилиш учун бир марта оламга келди... Масиҳ ҳам кўпларнинг гуноҳларини Ўз бўйнига олиш учун бир марта қурбон бўлди. (Ибронийларга 9:12,26.6,28.а)

Биласизларки, ота-боболарингиздан қолган бемаъни ҳаётдан сизлар сотиб олингансизлар. Лекин чириб кетадиган кумуш ёки олтин билан эмас, балки бенуқсон ва пок қўзи каби бўлган Масиҳнинг қимматбаҳо қони билан сотиб олингансизлар. (1 Петъор 1:18,19)

Боз устига абадий Руҳ орқали Ўзини бенуқсон қурбонлик қилиб Худога бағишлаган Масиҳнинг қони Худога хизмат қилишимиз учун виждонимизни ўлик ишлардан поклайди.

(Ибронийларга 9:14)

## Худованднинг Ўзи халос йўлини очиб берди

Энди эса Исо Масихдаги қайта сотиб олиниш орқали ҳамма одамлар Худонинг инояти билан текин оқланадилар. Зеро Худо Масихнинг қонига имонимиз орқали Масихни ярашиш қурбонлигига азалдан тайинлаб қўйди. **(Римликларга 3:24,25.а)**

Аммо Худо Ўзининг севгисини бизга шу билан исбот қиляптики - биз ҳали гуноҳкор бўлган пайтимизда, Масих биз учун ўлди. Шунинг учун энди Унинг қони билан оқланган бўлиб, У орқали Худонинг ғазабидан қутқариламиз. **(Римликларга 5:8,9)**

Бироқ одам Қонун ишлари билан эмас, балки Исо Масихга имони билан оқланаётганини билиб...

**(Галатияликларга 2:16.а)**

Чунки сизлар имонингиз орқали иноят билан қутқарилгансизлар, бу эса сизлардан эмас, балки Худонинг инъомидир; бу меҳнатингиз орқали эмас, токи ҳеч ким мақтанмасин. **(Эфесликларга 2:8,9)**

Унинг ҳақида барча пайғамбарлар ҳам гувоҳлик қиладиларки - Унга ишонган ҳар ким Унинг номи орқали гуноҳларининг кечирилишига эга бўлади.

**(Ҳаворийлар 10:43)**

Бошқа ҳеч кимдан нажот йўқдир, чунки нажот топишимиз учун, одамларга берилган осмон тагида бошқа ҳеч бир исм йўқ.

**(Ҳаворийларга 4:12)**

Биз Масихда Унинг қони орқали қайта сотиб олиниб, Унинг мўл-кўл инояти бўйича гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз.

**(Эфесликларга 1:7)**

## Исонинг туғилиши эълон қилинган 23.

Ўшанда Худодан Фаришта Жаброил Жалиланинг Носира деган шахрига, Довуд хонадонидан бўлган Юсуф исмли йигитга унаштирилган бир қизга юборилди. Қизнинг исми Марям эди. . . . Фаришта эса унга деди: "Қўрқма, Марям, сен Худодан иноят топдинг. Мана, сен ҳомиладор бўласан ва ўғил туғасан. Унга Исо деб исм қўясан. У улуг бўлади ва Тангри Таолонинг Ўғли деб аталади. . . . Унинг подшоҳлигининг охири бўлмайди". Шунда Марям фариштага: "Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлиши мумкин?"-деб айтди. Фаришта эса жавоб берди: "Сенинг устингга Муқаддас Рух келиб тушади ва Тангри Таолонинг куч-қудрати сени қоплайди. Шунинг учун сендан туғиладиган муқаддас зот Худонинг Ўғли деб аталади. Чунки Худо билан имконсиз бўлган бирор нарсанинг ўзи йўқдир". Шунда Марям: "Мана, мен Худованднинг қулиман. Менга сўзинг бўйича бўлсин,"- деди. Фаришта эса унинг олдидан кетди.

(Луқо 1:26.6-38)

Бу дунёда жинсий алоқадан пайдо бўлмаган фақат иккитагина инсон бор эди - Одам Ато ва Исо Масих. Одам Ато дунёга гуноҳни олиб келган, Исо Масих эса гуноҳ устидан ғалабани олиб келган.

Масих Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Аксинча У Ўзини паст олиб, қулнинг қиёфасига кирди. У инсонларга ўхшаб, кўринишида инсон каби бўлди. У то ўлимгача, ҳатто хочдаги ўлимгача итоатли бўлиб, Ўзини бўйсундирди. **(Филиппиликларга 2:6-8)**

Мен ва Отам - бирмиз. Мен: "Худонинг Ўғлиман" деганим учун, Ота муқаддаслаган ва дунёга юборган Менга "куфрлик қиляпсан", деб айтяпсизларми? **(Юҳанно 10:30,36)**

Исо Масих - доим бўладиган абадий сўздир. Исо Худонинг мўъжизаси туфайли қиз Марямнинг қорнида ҳомила бўлди. У жисмонан Инсон Ўғли каби, руҳан эса Худонинг Ўғли каби маълумдир.

Шунинг учун Масих дунёга кириб келганида, шундай деган эди: "Сен қурбонлик ва бағишловларни хоҳламадинг, лекин Мен учун танани тайёрладинг". **(Ибронийларга 10:5)**

Масих... муқаддаслик руҳи бўйича эса, ўликлардан тирилиши орқали Худонинг Ўғли эканини қудрат билан намоён қилди. **(Римликларга 1:4)**

Тўма Исога жавобан: Менинг Раббим ва Худойимсан! - деди. **(Юҳанно 20:28)**

Эътирозсиз диёнатнинг сири буюк: Худо инсон вужудида зоҳир бўлди... (1 Тимўтийга 3:16.а)

Чунки Худонинг бутун борлиги тўла-тўқис жисмонан Масихда жо бўлди. (Колосаликларга 2:9)

Зеро бизга чақалоқ туғилди, бизга Ўғил берилди. Ҳукмдорлик Унинг елкаларидадир. Унга: Ажойиб, Маслаҳатчи, Қудратли Худо, Абадий Ота, Тинчликнинг Шаҳзодаси, деб ном берилади.

(Ишаъё 9:6)

Исо уларга: Чиндан, чиндан сизларга айтяпман: Иброҳимдан олдин Мен борман,- деди.

(Юҳанно 8:58)

Унда ҳаёт бор эди, ҳаёт эса инсонларнинг нури эди. Дунёга келаётган ҳар бир инсонни ёритувчи ҳақиқий нур эди. У дунёда бор эди, дунё У орқали яратилган эди, бироқ дунё Уни танимади. (Юҳанно 1:4,9-10)

Зеро Худо ягона ва Худо билан инсонлар орасидаги воситачи ҳам ягонадир - бу инсон Исо Масихдир. У барча инсонларни тўлов билан қайтариб олиш учун Ўз жонини фидо қилди.

(1 Тимўтийга 2:5,6.а)

Биз Масихда Унинг қони билан қайта сотиб олинишга ва гуноҳларимизнинг кечирилишига эгамиз. Исо Масих бутун мавжудотнинг тўнғичи бўлиб, кўринмас Худонинг тасвиридир.

(Колосаликларга 1:14,15.а)

## 26. Библия - бу Худонинг Сўзидир

Чунки ҳеч қачон пайғамбарчилик инсоннинг иродаси билан айтилмаган, аммо пайғамбарчиликни Худонинг муқаддас одамлари Муқаддас Рух томонидан илҳомланиб айтганлар.  
**(2 Петъор 1:21)**

Худо қадимдан Ўзининг муқаддас пайғамбарлари орқали хабар қилганидек... токи Унинг халқига уларнинг гуноҳлари кечирилиши орқали нажот топишларини англатсин.  
**(Луқо 1:70, 77)**

Худованднинг Руҳи менда гапиради. Унинг сўзи менинг тилимда.  
**(2 Шоҳлар 23:2)**

Менинг бугун сенга буюраётган сўзларим сенинг юрагингда бўлсин. **(Қонуннинг такрорланиши 6:6)**

Бутун Ёзув Худодан илҳомланган бўлиб, таълим олишга, фош қилишга, тузатишга ва ҳақликда тарбия беришга фойдалидир. **(2 Тимўтийга 3:16)**

Илгаридан нимаики ёзилган бўлса, бизларга насихат учун ёзилган, токи бизлар Ёзувдаги сабр-тоқат ва юпанч орқали умидворликка эга бўлайлик. **(Римликларга 15:4)**

Сизлар Ёзувларни ҳам, Худонинг куч-қудратини ҳам билмаганингиз учун адашяпсизлар.  
**(Матто 22:29.6)**

Чунки Сен Ўз сўзингни Ўзингнинг ҳар қандай исмингдан юқори кўтардинг. **(Санолар 137:2.6)**

У қонга бўялган кийимга кийинган эди. Унинг исми - Худонинг Сўзи. **(Ваҳий 19:13)**

Бошланишда Сўз бор эди. Сўз Худода эди, Сўз - Худо эди. Сўз эса тана бўлди ва бизнинг орамизда. . . истиқомат қилди. **(Юҳанно 1:1,14.а)**

Исо Масиҳ Худони очиб бермоқда. Ҳеч ким ҳеч қачон Худони кўрмаган; Отанинг бағрида бўлган ягона Ўғил Уни изҳор қилди. **(Юҳанно 1:18)**

Зеро нурга қоронғиликдан порлашни буюрган Худо бизнинг юракларимизни ёритди, токи бизга Исо Масиҳ сиймосидаги Худонинг шон-шуҳратини таниб билиш орқали нурини берсин.

**(2 Коринфликларга 4:6)**

Худо Исо Масиҳ орқали гапирмоқда. Худо қадимдан кўп марта ва турли тарзда пайғамбарлар орқали оталаримизга гапирган эди. Шу охирги кунларда эса бизга Ўз Ўғли орқали гапирди. Худо Уни ҳамма нарсанинг меросхўри қилиб тайинлаган, У орқали барча оламларни ҳам яратган.

**(Ибронийларга 1:1,2)**

Мени севмайдиган киши сўзларимга риоя қилмайди. Сизлар тинглаётган сўз эса Меники эмас, балки Мени юборган Отамникидир.

**(Юҳанно 14:24)**

## 28. Худонинг Сўзининг бебаҳолиги

*Библия - бу жон учун озуқадир.*

Унинг оғзидаги сўзларини ўзимнинг қоидаларимдан кўра кўпроқ сақладим.

**(Аюб 23:12.6)**

Инсон биргина нон билан эмас, балки Худонинг оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз билан яшайди.

**(Матто 4:4.6)**

*Исо Масиҳ - бу осмондан тушган нондир.*

Мен осмондан тушган тирик нондирман. Кимки бу нонни еса, абадий яшайди. Мен берадиган нон - бу дунёнинг ҳаёти учун берадиган Ўзимнинг танамдир. Мен ҳаёт нониман.

**(Юҳанно 6:51,48)**

*Библия - бу йўлимиз учун нурдир.*

Сенинг сўзинг - менинг оёғимга чироқ ва йўлимга нурдир.

**(Санолар 118:105)**

Сенинг сўзларингнинг ваҳийлари ёритади, соддаларга ақл киритади.

**(Санолар 118:130)**

*Исо Масиҳ - бу дунё учун нурдир.*

Унда ҳаёт бор эди, ҳаёт эса инсонларнинг нури эди. Шундан сўнг Исо яна халққа деди: Мен дунёнинг нуриман. Менинг кетимдан бораётган қоронғиликда юрмайди, балки ҳаёт нурига эга бўлади.

**(Юҳанно 1:4,8:12)**

## **Библия ҳосилдор ҳаётни келтириб чиқаради 29.**

Аммо у Худованднинг Қонунидан завқланади ва Унинг Қонуни ҳақида туну кун чуқур ўйлайди; У сув бўйида ўтқазилган дарахт каби бўлади: ўз вақтида мева етиштиради ва унинг барглари сўлиб қолмайди. У қилган ҳар бир ишида муваффақиятли бўлади. (Санолар 1:2,3)

*Исо Масих ҳосилдор ҳаётни беради.*

Токда бўлмаган новда ўз-ўзидан ҳосил беролмаганидай, сизлар ҳам агар Менда жо бўлмасангизлар, ҳосил беролмайсизлар. Мен - токман, сизлар эса - новдасизлар. Ким Менда жо бўлиб, Мен эса унда жо бўлсам, у кўп ҳосил беради. Чунки Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар. (Ўҳанно 15:4,5)

## **Ўзувлар Исо Масих ҳақида сўзламоқда.**

Ўзувларни текширинглар, зеро улар орқали абадий ҳаётга эришишни ўйлаяпсизлар. Улар эса Менинг ҳақимда гувоҳлик бермоқда.

(Ўҳанно 5:39)

Шундай қилиб, Мусодан тортиб, барча пайғамбарларда Ўзи ҳақида айтилганларининг ҳаммасини Ўзув бўйича уларга тушунтира бошлади. (Луқо 24:27)

## 30. Абадий Худонинг Сўзи ҳеч қачон ўзгармайди

То-абад, ё Раббий, Сенинг сўзинг осмонда маҳкам ўрнатилгандир. **(Санолар 118:89)**

Сенинг сўзларингнинг асоси ҳақиқатдир ва Сенинг ҳақлигингнинг ҳар қандай ҳукми абадийдир. **(Санолар 118:160)**

Ўт қуриб қолмоқда, гули сўлиб қолмоқда, бизнинг Худойимизнинг сўзи эса абадий туради. **(Ишаъё 40:8)**

Еру осмон тугамагунча ва ёзилган ҳамма нарса амалга ошмагунча, Қонундан бир ҳарф ҳам ёки бир нуқта ҳам ўчмайди. **(Матто 5:18.6)**

Ёзувлар эса бузила олмайди. **(Юҳанно 10:35.6)**

*Инсон Библияни ўзгартиришга журъат қилмасин!*

Мен сенларга буюраётганларимнинг ҳаммасига риоя қилишга ҳаракат қилгин. Буларга ҳеч нимани қўшма ва ҳеч нимани айирма.

**(Қонуннинг такрорланиши 12:32)**

У сенга тақиқламаслиги учун ва сен ёлғончи бўлиб қолмаслигинг учун Унинг сўзларига қўшимча қилма. **(Ҳикматлар 30:6)**

Ким бу пайғамбарчилик китобидаги сўзлардан бирор нарсани олиб ташласа, Худо унинг қисматини ҳаёт китобидан, муқаддас шаҳардан ва бу китобда ёзилганларнинг ҳаммасидан олиб ташлайди. **(Ваҳий 22:19)**

Сўзни менсимайдиган ўзини бузади.

**(Ҳикматлар 13:13.а)**

## Исо Масихнинг ўлими Худонинг режасини бажарди

31.

Шу сабабдан Отам Мени севадики, Мен ҳаётимни қайта олишим учун уни беряпман. Ҳеч ким ҳаётимни Мендан олмаяпти, Менинг Ўзим уни беряпман. (Юҳанно 10:17,18.а)

Исо эса жавоб берди: Агар сенга юқоридан берилмаганда эди, сен Менинг устимдан ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўла олмас эдинг.

(Юҳанно 19:11.а)

Ёки ўйлайсанки, Мен ҳозир Отамга илтижо қилолмайманми? У эса Менга ҳозироқ ўн икки легиондан кўпроқ фариштани юборади. Бироқ ўшанда буларнинг содир бўлмоғи кераклигини айтган Ёзувлар қандай қилиб амалга ошади?

(Матто 26:53,54)

Худо Масихнинг азоб чекиши ҳақида Ўзининг ҳамма пайғамбарларининг оғзи билан олдиндан хабар қилганидай, буни шундай бажо келтирди.

(Ҳаворийлар 3:18)

Муайян ният ва Худонинг олдиндан билиши бўйича қўлингизга топширилган ўша Одамни сизлар тутиб, қонунсизлар қўли билан хочга михлатиб ўлдирдингизлар.

(Ҳаворийлар 2:23)

Лекин Уни қулатиш Худовандга маъқул эди... Сен Унинг жонини гуноҳ учун қурбонликка келтирганингда, У Ўз зурриётини кўради.

(Ишаъё 53:10.а)

Масих шундай азоб чекиб, Ўзининг шон-шўхратига шундай кириши лозим эмасмиди?

(Луқо 24:26)

## 32. Исо Масихнинг ўлими гувоҳлар билан тасдиқланган

Исо билан бирга икки қароқчини ҳам - бирини Унинг ўнг томонига, бошқасини эса чап томонига михлаб қўйдилар. Шундай қилиб, Ёзувлардаги сўз бажо бўлди: "У жиноятчиларнинг қаторига қўшилди". **(Марк 15:27,28)**

Шунда аскарлар келиб, Исо билан бирга хочга михланган биринчи, кейин иккинчи одамнинг болдирларини синдириб ташладилар. Аммо Исонинг олдига келиб, Унинг аллақачон ўлганлигини кўрганларида, болдирларини синдирмадилар. Бироқ аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди ва шу заҳоти Унинг биқинидан қон билан сув оқиб тушди. Сизлар эса имон келтира олишингиз учун буни кўрган гувоҳлик берган эди ва унинг гувоҳлиги ҳақиқатдир, у ҳақиқатни айтаётганини билади. "Унинг суяги синмайди", деган Ёзувлар бажо бўлиши учун шу ҳодиса рўй берди. Ёзувлардаги бошқа оятда ҳам шундай айтилган: "Ўша Тешилганга тикилиб қарайдилар".

**(Юҳанно 19:32-37)**

Соат ўн иккидан бошлаб соат учгача бутун ерни қоронғилик қоплади... Исо эса яна бир марта баланд овоз билан бақариб, жон берди... Ер ларзага келди ва қоялар ёрилди. Юзбоши ва у билан бирга Исони кўриқлаб турганлар эса зилзилани ва содир бўлаётган барча ишларни кўриб, қаттиқ қўрқувга тўлиб, дедилар: Ҳақиқатан ҳам бу Худонинг Ўғли эди! **(Матто 27:45,50-51,54)**

Бироқ Худо ўлим кишанларини узиб, Уни тирилтирди, чунки ўлим Уни ушлаб қола олмас эди. Ушбу Исони Худо тирилтирди, биз ҳаммамиз эса бунинг гувоҳларимиз. **(Ҳаворийлар 2:24,32)**

Болалар эт ва қонга тегишли бўлганлари каби, Масихнинг Ўзи ҳам уларга тенглашди, токи Ўзининг ўлими орқали ўлим қудратига эга бўлганни, яъни иблисни йўқ қилсин ва умр бўйи ўлим қўрқувига қул бўлганларни халос қилсин. **(Ибронийларга 2:14,15)**

"Ўлим, сенинг нишинг қаерда? Дўзах, сенинг ғалабанг қаерда?" Лекин Худога шукр-ки, У бизга Раббимиз Исо Масих орқали ғалаба берди! **(1 Коринфликларга 15:55,57)**

Мен тирикман. Ўлган эдим, энди эса то абад тирикман, омин. Ўлим ва дўзах калитларига эгадирман. **(Ваҳий 1:18)**

Бу иноят энди Қутқарувчимиз Исо Масихнинг пайдо бўлиши билан ошкора бўлди. У эса Хушxabар орқали ўлимни яксон қилиб, ҳаёт ва ўлмасликни нурга олиб келди. **(2 Тимўтийга 1:10)**

Ўликлардан тирилган Масих бошқа ўлмайди: ўлим Унинг устидан бошқа ҳукм сурмайди. **(Римликларга 6:9.6)**

## **34. Исо томонга биринчи қадамимиз**

Мана, Мен эшик олдида туриб тақиллатяпман. Ким Менинг овозимни эшитиб эшикни очса, Мен уникига кираман ва у билан кечки овқатни ейман, у эса Мен билан ейди. **(Ваҳий 3:20)**

Иш қилмаётган, лекин бетавфиқни оқловчи Худога ишонаётган кишига эса унинг имони ҳақлик деб ҳисобланади. **(Римликларга 4:5)**

Муқаддас Руҳни қабул қилинглар. Қувончингиз комил бўлиши учун сўранглар ва оласизлар. **(Юҳанно 20:22.6, 16:24.6)**

Шундай қилиб, агар сен Исони Раббим деб, оғзинг билан очиқ эътироф этсанг ва Худо Уни ўликлардан тирилтирганига юрагинг билан ишонсанг, нажот топасан. **(Римликларга 10:9)**

Ота ёки онасини Мендан кўпроқ севган Менга лойиқ эмас. Сўнг Исо Ўз шогирдларига деди: Ким Менга эргашишни хоҳласа, ўзини рад этсин ва ўз хочини кўтариб, орқамдан юрсин. Ким ўз жонини сақламоқчи бўлса, уни йўқотади. Лекин ким Мен учун жонини йўқотса, уни топади. **(Матто 10:37.а, 16:24,25)**

Агар сизлар Масихники бўлсангизлар, унда сизлар Иброҳимнинг уруғисизлар ва ваъда бўйича меросхўрсизлар. **(Галатияликларга 3:29)**

Улар эса: Раббий Исо Масихга ишонгин, сен ва хонадонинг нажот топасизлар,- дедилар. **(Хаворийлар 16:31)**

## **Исо орқали биз янги ҳаётга эгамиз 35.**

Бу гувоҳлик шундан иборатки, Худо бизга абадий ҳаёт ато этди, бу ҳаёт эса Унинг Ўғлидир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлса, у ҳаётга эгадир. Ким Худонинг Ўғлига эга бўлмаса, ҳаётга эга эмасдир.

**(1 Юҳанно 5:11,12)**

Лекин раҳм-шафқатга бой бўлган Худо... бизни, жиноятлари бўйича ўлик бўлганларни Масих билан бирга жонлантирди...

**(Эфесликларга 2:4,5.а)**

Ҳозир яшаётган эса мен эмас, балки менинг ичимда Масих яшамоқда. Энди танада яшаётганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига имон билан яшайпман.

**(Галатияликларга 2:20)**

Чунки Исо Масихдаги ҳаёт Руҳининг қонуни мени гуноҳ ва ўлимнинг қонунидан озод қилди.

**(Римликларга 8:2)**

Шундай қилиб, ким Масихда бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди эса ҳаммаси янги бўлди.

**(2 Коринфликларга 5:17)**

Сизлар чирийдиган уруғдан эмас, балки чиримайдиган уруғдан, яъни тирик ва абадий мавжуд бўладиган Худонинг Сўзидан янгидан туғилдингизлар.

**(1 Петъор 1:23)**

Янги туғилган чақалоқлардай Сўзнинг соф сутини тусанглар, токи ундан нажотда улғайинглар.

**(1 Петъор 2:2)**

## 36. Худо - Ўз халқининг Отасидир

Етимларнинг Отаси ва беваларнинг ҳукмчиси бўлган Худо Ўзининг муқаддас маконидадир.

**(Санолар 67:6)**

Аmmo энди, Раббий, Сен бизнинг Отамизсан; бизлар - лой, Сен эса -Кулолсан, бизларнинг ҳаммамиз - Сенинг қўлларингнинг ишимиз. Сен, Раббий - бизнинг Отамизсан, Сенинг исминг азалдан - бизнинг Халоскоримиз.

**(Ишаъё 64:8, 63:16.6)**

Ўшанда уларга: "Сизлар Менинг халқим эмассизлар", деб айтилган жойда "Сизлар тирик Худонинг ўғлисизлар", деб айтилади.

**(Хўшея 1:10.6)**

Сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши совғалар беришни билсангиз, бундан кўпроқ осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга эзгуликни беради. Сизлар эса шундай ибодат қилинглр: Бизнинг осмондаги Отамиз! Сенинг исминг муқаддаслансин.

**(Матто 7:11, 6:9)**

Шунда Мен сизларни қабул қиламан. Мен сизларга Ота бўламан, сизлар эса Менинг ўғилларим ва қизларим бўласизлар,- дейди Қодир Худованд.

**(2 Коринфликларга 6:17.6,18)**

Зеро Худонинг Руҳи билан бошқариладиганларнинг ҳаммаси Худонинг ўғилларидир.

**(Римликларга 8:14)**

## Биз Исо орқали Худони Отадек таниб билиб оламиз

37.

Исо унга деди: Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Отанинг олдига бора олмайди. Агар Мени билганингизда эди, Отамни ҳам билар эдингизлар. Бундан буён эса Уни биласизлар ва Уни кўрдингизлар ҳам. Ким Мени севса, Менинг сўзимга риоя қилади. Менинг Отам эса уни севади ва Биз унинг ёнига келиб, Ўзимизга маскан яратамиз.

(Юҳанно 14:6,7,23.6)

...Худо Ўзининг Ўғлини юборди,...токи биз ўғилликни қабул қила олайлик. Сизлар ўғил бўлганингиз учун Худо юракларингизга: "Эй Ота, Отажон!" деб чақирадиган Ўз Ўғлининг Руҳини юборди. Шунинг учун сен энди қул эмас, аммо ўғилдирсан. Агар ўғил бўлсанг, унда Масих орқали Худонинг меросхўрисан. Чунки Исо Масихга бўлган имонингиз орқали сизларнинг ҳаммангиз Худонинг ўғилларисизлар.

(Галатияликларга 4:4.6,5.6-7,3:26)

Бироқ Уни қабул қилганларга, Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш ҳокимиятини берди.

(Юҳанно 1:12)

Агар кимдир гуноҳ қилиб қўйса, шуни билсинки, биз Отанинг олдида Воситачи - Ҳақ Исо Масихга эгамиз.

(1 Юҳанно 2:1.6)

Чунки Масих орқали биз ҳаммамиз бир Руҳда Отага бориш йўлига эгамиз.

(Эфесликларга 2:18)

## **38. Исо севги, хурсандчилик ва тинчлик олиб келади**

Севмайдиган киши эса Худони таниб билмаган, чунки Худо севгидир. Худо - севгидир ва севгида жо бўладиган одам Худода жо бўлади, Худо эса унда бўлади. (1 Юҳанно 4:8,16)

Аммо бир-бирингизга меҳрибон ва ҳамдард бўлинглар. Худо сизларни Масихда кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар. (Эфесликларга 4:32)

Агар бир-бирингизга севги бўлса, сизлар Менинг шогирдларим эканингизни ҳамма шундан билиб олади. (Юҳанно 13:35)

Руҳнинг самараси эса: севги, қувонч, тинчлик... (Галатияликларга 5:22.а)

Бари бир мен Раббимда қувонаман ва нажотимнинг Худосида хурсанд бўламан. (Ҳабақуқ 3:18)

Сен менга ҳаёт йўлини кўрсатасан; Сенинг ҳузурингда қувончнинг тўла-тўқислигидир, Сенинг ўнг қўлингда абадий ҳузур-ҳаловатдир. (Санолар 15:11)

Шундай қилиб, биз имон туфайли оқланиб, Раббимиз Исо Масих орқали Худо билан тинчликка эга бўлдик. (Римликларга 5:1)

Мен сизларга тинчлик қолдирыпман, Ўз тинчлигимни сизларга беряпман. Мен сизларга дунё бераётганидек, бермаяпман. Юрагингиз хавотирланмасин ва қўрқувга тўлмасин. (Юҳанно 14:27)

Шунда ҳар қандай тушунчадан юқори бўлган Худонинг тинчлиги сизларнинг юракларингизни ва фикр-мулоҳазаларингизни Исо Масихда сақлайди. (Филиппиликларга 4:7)

# Исо Ўзининг ҳақиқий шогирдларини тирилтиради

39.

Агарда Исони ўликлардан тирилтирган Худонинг Руҳи сизларда яшаётган бўлса, унда Масиҳни ўликлардан Тирилтирган, сизларда яшаётган Ўз Руҳи билан сизларнинг ўлимли баданларингизни ҳам тирилтиради. **(Римликларга 8:11)**

Раббийни тирилтирган Худо бизни ҳам Ўз қудрати билан тирилтиради. **(1 Коринфликларга 6:14)**

Мени Юборганнинг иродаси шуки, Ўғилни кўрган ва Унга ишонган ҳар бир киши абадий ҳаётга эга бўлсин. Мен эса уни охириги кунда тирилтираман. **(Юҳанно 6:40)**

Исо унга деди: Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди. Ҳар бир яшаётган ва Менга ишонаётган, то абад ўлмайди. **(Юҳанно 11:25,26.6)**

Зеро ўлим қандай бир одам орқали бўлган бўлса, худди шундай ўликларнинг тирилиши ҳам бир одам орқалидир. Одам Атода ҳамма ўлаётганидай, худди шундай Масиҳда ҳамма тирилади. Ҳар бири ўз тартиби бўйича тирилади: биринчидан бошланғич бўлган Масиҳ тирилди, сўнгра - яъни Унинг қайтиб келишида Масиҳникилар тириладилар. **(1 Коринфликларга 15:21-23)**

Чунки Мен яшамоқдаман, сизлар ҳам яшайсизлар. **(Юҳанно 14:19.6)**

Агарда биз Масиҳ билан бирга ўлган бўлсак, унда У билан бирга яшашимизга ҳам ишонамиз. **(Римликларга 6:8)**

## Бу буюк нажотга менсимаслик қилманг

Кимки икки ёки уч гувоҳнинг олдида Мусонинг Қонунини рад этса, раҳмсиз ўлимга маҳкум бўлар эди. Боз устига Худонинг Ўғлини оёқ ости қиладиган, Унинг қони билан муқаддасланган бўлиб, бу қонни муқаддас нарса деб ҳисобламайдиган ва иноят Руҳини ҳақорат қиладиган одам нақадар оғирроқ жазога лойиқ бўлади, деб ўйламайсизларми?!

**(Ибронийларга 10:28,29)**

Мени рад қилаётган ва сўзларимни қабул қилмаётган одам учун ҳукм қилувчи бор - бу Менинг айтган сўзимдир. Шу сўз охириги кунда уни ҳукм қилади.

**(Юҳанно 12:48)**

Шунинг учун Мен сизларга: ўз гуноҳларингизда ўласизлар, деб айтдим; чунки ўша Мен эканлигимга ишонмасангизлар, ўз гуноҳларингизда ўласизлар.

**(Юҳанно 8:24)**

Сизларга, Ўзимнинг дўстларимга эса айтаманки: танани ўлдириб, кейин бошқа ҳеч нарса қилишга қодир бўлмаганлардан қўрқманглар. Бироқ кимдан қўрқишингиз кераклигини сизларга айтайин: ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга ҳоқимияти бор бўлгандан қўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаман, ундан қўрқинглар!

**(Луқо 12:4,5)**

...унда биз шу улуғ нажотга эътиборсиз бўлиб, жазодан қандай қочиб қутуламиз?

**(Ибронийларга 2:3.а)**

Ўғилга ишонмаган эса ҳаётни кўрмайди, лекин Худонинг ғазаби унинг устида турибди.

**(Юҳанно 3:36.б)**

## Исо Масих бизни ҳукм қилади 41.

Чунки Ўзи қўйган Эркак орқали У дунёни ҳақ ҳукм қиладиган бир кунни тайин этди. Ўшани ўликлардан тирилтириб, ҳаммага тасдиқ этди.

**(Ҳаворийлар 17:31)**

Чунки, Ота ҳеч кимни ҳукм қилмайди, лекин бутун ҳукмни Ўғлига берган, токи ҳамма Отани қандай ҳурмат қилса, Ўғлини ҳам шундай ҳурмат қилсинлар. Ким Ўғилни ҳурмат қилмаса, Уни юборган Отани ҳам ҳурмат қилмаган бўлади.

**(Юҳанно 5:22,23)**

Чунки ҳар бир киши танада яшаб, ўзининг қилган яхшилик ёки ёмонликларга яраша қисматини олиш учун, ҳаммамиз Масихнинг ҳукми олдида ҳозир бўлишимиз керак. **(2 Коринфликларга 5:10)**

...Худо Исо Масих орқали инсонларнинг сирли ишларини ҳукм этадиган кунда ана шундай бўлади. **(Римликларга 2:16.6)**

Раббий Исо Ўзининг қудратли фаришталари билан бирга осмондан зоҳир бўлганида... У Худони тан олмаган ва Раббимиз Исо Масихнинг Хушxabарига бўйсунмаган ҳамма одамлардан алангали олов билан қасос олади.

**(2 Салоникаликларга 1:7.6,8)**

Энди менинг подшоҳлик қилишимни истамаган ўша душманларимни эса шу ерга келтиринглар ва кўз олдимда калтакланглар. **(Луқо 19:27)**

## 42. Исонинг шогирдиман деганларнинг ҳаммаси ҳам Исога тегишли эмас

Улар: Худони биламиз, деб айтадилар-у, лекин ўз қилмишлари билан Ундан воз кечадилар.

(Тит 1:16.а)

Кимки Масихнинг Руҳига эга бўлмаса, у Масихники эмасдир. (Римликларга 8:9.6)

Улар Менинг халқимдек сенинг юзинг олдида ўтирадилар, сенинг сўзларингни тинглайдилар, аммо уларни бажармайдилар. Улар оғзи билан севадилар, аммо уларнинг юраги ўз манфаати ортидан кетади. (Ҳезеқил 33:31.6)

Бу халқ ўз оғзи билан Менга яқинлашмоқда ва ўз тили билан Мени ҳурмат қилмоқда. Бироқ уларнинг юраги Мендан узоқдир. (Матто 15:8)

"Менга: "Ё Раббий, ё Раббий", деб айтадиган одамнинг ҳар бири эмас, балки осмондаги Отамнинг иродасини бажо келтирадиган Осмон Шоҳлигига киради. Ўша кунда кўплар Менга дейдилар: "Ё Раббий, ё Раббий, бизлар Сенинг номинг билан пайғамбарчилик қилмадикми? Сенинг номинг билан жинларни қувиб чиқармадикми? Сенинг номинг билан кўп мўъжизалар яратмадикми?". Шунда Мен уларга эълон қиламан: Мен сизларни ҳеч қачон билган эмасман. Эй, ёвузлик қиладиганлар, Менинг олдимдан кетинглар!" (Матто 7:21-23)

Сизлар ҳам ташқаридан инсонларга ҳақ кўриняпсизлар, аммо ичларингиз иккиюзламачилик ва қонунсизликка тўладир. (Матто 23:28)

## **Исонинг ҳақиқий шогирдлари 43. Унга итоат қиладилар**

Агар биз Унинг амрларига риоя қилсак, Уни таниб билганимизни шундан биламиз.

**(1 Юҳанно 2:3)**

Сизларнинг ичингизга Ўз Рухимни соламан ва шундай қиламанки: сизлар Менинг амрларимда юрасизлар, Менинг фармонларимга риоя қиласизлар ва уларни бажарасизлар.

**(Ҳезеқил 36:27)**

Шундай қилиб, камолотга эришгач, Унга бўйсунадиганларнинг ҳаммаси учун Масих абадий нажотнинг муаллифи бўлди. **(Ибронийларга 5:9)**

Гуноҳдан эса озод бўлиб, сизлар ҳақликнинг қули бўлдингизлар. **(Римликларга 6:18)**

Чунки биз - Исо Масихда яратилган Унинг ижодимиз, зеро Худо бизни азалданок тайин қилган хайрли ишларни қилишимиз учун яратган. **(Эфесликларга 2:10)**

Агарда Масих ичингизда экан, бадан гуноҳ учун ўликдир, аммо руҳ ҳақлик учун ҳаётдир. Агар тана изми бўйича яшасангизлар, ўласизлар. Агарда Рух билан тана ишларини ўлдирсангизлар, унда яшайсизлар. **(Римликларга 8:10,13)**

Раббийнинг исмини эътироф этадиган ҳар бир одам ноҳақликдан узоқлашсин.

**(2 Тимўтийга 2:19.6)**

Аммо Петъор ва бошқа ҳаворийлар жавоб бериб, шундай дедилар: Одамлардан кўра Худога кўпроқ итоат қилиш керак. **(Ҳаворийлар 5:29)**

## 44. Дунё Исонинг шогирдларидан нафратланади

Агар дунё сизлардан нафратланаётган бўлса, билинглари, сизлардан олдин Мендан нафратланган эди. Сизлар бу дунёники бўлганингизда эди, унда дунё ўзиникини севар эди. Бироқ сизлар дунёники эмассизлар, аммо Мен сизларни дунёдан танлаганим учун дунё сизлардан нафратланади. **(Юҳанно 15:18,19)**

Ҳатто шундай вақт келадики, сизларни ўлдираётган ҳар бир киши бу билан Худога хизмат қиляпман, деб ўйлайди. Улар Отамни ҳам, Мени ҳам танимаганлари учун шундай қиладилар. **(Юҳанно 16:2.6,3)**

Қаранглари, биз Худонинг фарзандлари деб аталишимиз учун, Отамиз бизга Ўзининг нақадар буюк севгисини кўрсатди. Бу дунё Уни танимагани учун бизни ҳам танимаяпти. **(1 Юҳанно 3:1)**

Худонинг Шоҳлигига кўп қайғулар орқали киришимиз керак. **(Ҳаворийлар 14:22.6)**

Исо Масихда диёнатли яшамоқчи бўлганларнинг барчаси ҳам қувғин бўладилар. **(2 Тимўтийга 3:12)**

Дунёда ғам-қайғу чекасизлар, лекин дадил бўлинглар, Мен дунёни енгдим. **(Юҳанно 16:33.6)**

Мен уларга Сенинг сўзингни бердим, дунё эса улардан нафратланди. Чунки Мен дунёдан бўлмаганимдай, улар ҳам дунёдан эмаслар. **(Юҳанно 17:14)**

## Қувғинда бўладиганларга ваъдалар 45.

Ҳамма ташвишларингизни Худога ташланглар, чунки У сизлар учун ғамхўрлик қилади.

(1 Петъор 5:7)

Қўрқма, чунки Мен - сен биланман. Ҳаяжонлама, чунки Мен - сенинг Худойингман. Мен сени кучлантираман ва сенга ёрдам бераман, сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман.

(Ишаъё 41:10)

Ота-онам мени қолдириб кетса-да, Худованд мени қабул қилади.

(Санолар 26:10)

Шунинг учун биз жасорат билан айта олмоқдамиз: “Раббим - менинг ёрдамчимдир, мен қўрқмайман. Инсон менга нима қилар экан?”

(Ибронийларга 13:6)

Агар сизларни Масихнинг номи учун ҳақорат қилишса, унда сизлар бахтлисизлар, чунки шон-шуҳрат Руҳи, Худонинг Руҳи устингизда бўлмоқда. У уларда куфрланади, сизларда эса улуғланади.

(1 Петъор 4:14.а)

Зеро У Ўз фаришталарига сен ҳақингда амр беради, токи сени бутун йўлларингда қўриқласинлар.

(Санолар 90:11)

Агарда мен ўлим соясининг водийси орқали ўтсам ҳам ёвузликдан қўрқмайман, чунки Сен мен билан биргасан, Сенинг ҳукмронлик ҳассанг ва таёғинг менга тасалли беряпти.

(Санолар 22:4)

Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда мен ҳамма нарсани қила оламан. Менинг Худойим эса Исо Масих орқали сизларнинг ҳар қандай муҳтожликларингизни Ўзининг шон-шуҳратидаги бойлиги билан қондиради. (Филиппиликларга 4:13,19)

## 46. Гуноҳ ва шайтоннинг устидан ғалаба

Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа васваса келмаган. Худо эса содиқдир, У кучингиз етмаган васвасага тушишга йўл қўймайди, лекин васваса пайтида бардош беришингиз учун халос йўлини ҳам беради. (1 Коринфликларга 10:13)

Шундай экан, раҳм-шафқатга эришишимиз учун ва зарурат вақтида ёрдам олишга иноят топишимиз учун иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик. (Ибронийларга 4:16)

Агар У нурда бўлгани каби, биз ҳам Унга ўхшаб нурда юрсак, бир-биримиз билан мулоқотда бўламиз ва Унинг Ўғли Исо Масихнинг қони бизни ҳар қандай гуноҳдан поклайди. (1 Юҳанно 1:7)

Ёшлик эҳтиросларидан ўзингни олиб қочгин, аксинча пок юракдан Раббийни чақирганларнинг ҳаммаси билан бирга ҳақлик, имон, севги ва тинчликни таъқиб этгин. (2 Тимўтийга 2:22)

Шунга ўхшаб, сизлар ҳам ўзларингизни гуноҳ учун ўлик, аммо Худо учун Раббимиз Исо Масихда тирик ҳисобланглар. (Римликларга 6:11)

Шунинг учун Худога бўйсунинглар. Иблисга қарши туринглар ва у сизлардан қочиб кетади. (Ёқуб 4:7)

Сенга қарши гуноҳ қилмаслик учун Сўзингни юрагимда сақламоқдаман. (Санолар 118:11)

Чунки ичингизда бўлган бу дунёда бўлгандан устундир. (1 Юҳанно 4:4.6)

## **Ибодат - бу Худо билан мулоқотдир 47.**

Менинг юрагим Сендан сўзламоқда: "Менинг юзимни изланглар"; Ё Раббим, мен Сенинг юзингни излайман. Эй одамлар! ҳамма вақт Унга ишонинглар; Унинг олдида ўз юрагингизни тўкиб солинглар; Худо бизнинг паноҳимиз.

**(Санолар 26:8, 61:9)**

Ё Раббий, менга шифо бер ва мен шифоланаман; мени қутқар ва мен қутқариламан; чунки Сен менинг мақтовимсан.

**(Еремия 17:14)**

Ҳар қандай шароитда Худога миннатдорчилик билдиринглар, чунки Исо Масихда бўлганингиз учун сизлар ҳақингизда Худонинг иродаси шундайдир.

**(1 Салоникаликларга 5:17,18)**

Агар сизлардан бирор кишининг донолиги камлик қилса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин ва унга берилади.

**(Ёқуб 1:5)**

Агар сизлар Менда жо бўлиб, сўзларим эса юрагингизда жо бўлса, унда нимаики истаганингизни сўранглар ва ўша нарса сизлар учун қилинади.

**(Юҳанно 15:7)**

Мен Раббимни изладим, У эса мени эшитди ва ҳамма қўрқувларимдан халос қилди.

**(Санолар 33:5)**

Агарда Мен юрагимда қонунсизликни кўрганимда эди, унда Раббий мени эшитмаган бўлар эди... Ўз номинг учун, ё Раббим, менинг гуноҳимни кечир, чунки гуноҳим каттадир.

**(Санолар 65:18,24:11)**

Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин миннатдорчилик билан ибодат ва илтижо қилиб, ўз тилакларингизни Худога билдиринглар.

**(Филиппиликларга 4:6)**

## 48. Исо келади - тайёр бўлинг!

Чунки Раббийнинг Ўзи буюк нидо пайтида, бош фариштанинг садоси ва Худонинг карнайи овози билан осмондан тушади, шунда Масихда ўлганлар биздан олдин тириладилар. Кейин эса биз, тирик қолганлар улар билан бирга Раббийни ҳавода кутиб олиш учун булутларда кўтариламиз. Шундай қилиб, ҳамиша Раббий билан бирга бўламиз.

**(1 Салоникаликларга 4:16,17)**

Шундай қилиб, севганларим, шундай ваъдаларга эга бўлиб, Худодан кўрқиш орқали муқаддаслигимизни комил қилиб, ўзимизни тананинг ва руҳнинг ҳар қандай нопоклигидан тозалайлик.

**(2 Коринфликларга 7:1)**

Ҳа, фарзандларим, Масихда жо бўлинглар, токи У қайтиб келганида дадил бўлайлик ва Унинг олдида уятда қолмайлик.

**(1 Юҳанно 2:28)**

Сизлар ҳам узоқ сабр-тоқатли бўлинглар, юрагингизни қувватлаб мустаҳкам қилинглар, чунки Раббийнинг келиши яқинлашиб қолди. Биродарларим, маҳкум бўлмаслигингиз учун бир-бирингиздан нолиманглар. Мана, Ҳукм қилувчи эшик олдида турибди.

**(Ёқуб 5:8,9)**

Шунингдек, сизлар ҳам тайёр бўлиб туринглар, чунки Инсон Ўғли сиз ўйламаган соатда келади.

**(Луқо 12:40)**

# Худонинг Руҳига тўлган бўлинг!!!

Менинг фош қилишимга қулоқ солинглар: мана, мен сизларга руҳимни ёғдираман ва сўзларимни маълум қиламан. (Ҳикматлар 1:23)

Тавба қилинглари ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номи билан чўмдирилинглар ва Муқаддас Руҳ инъомини оласизлар. (Ҳаворийлар 2:38.6)

Бузуқлик келтирадиган шаробни ичиб маст бўлманглари, лекин Руҳга тўлиб-тошинглари. Шундай экан, санолари, мадҳиялари ва руҳий қўшиқлари билан бир-бирингизга насиҳат қилинглари; ашулалари айтиб, юракларингизда Раббийга наволари куйланглари. Ҳамиша ҳамма нарса учун Раббимиз Исо Масиҳ номи билан Отамиз Худога миннатдорчилик билдиририлари. Худонинг кўрқувида бир-бирингизга итоат қилинглари. (Эфесликларга 5:18-21)

Чунки Худо сизларнинг ичингизда амал қилиб, Ўзининг илтифоти билан хоҳишни ҳам, ҳаракатни ҳам туғдиради. (Филиппиликларга 2:13)

Сизлар Худонинг маъбади эканингизни ва Худонинг Руҳи ичингизда яшаётганини наҳотки билмасангиз? Чунки сизлар қимматбаҳо тўлов билан сотиб олингансизлар. Шунинг учун Худога тегишли бўлган танангиз ва руҳингиз билан Худони улуғланглари. (1 Коринфликларга 3:16,6:20)

Ҳаммалари Муқаддас Руҳга тўлиб, Худонинг сўзини дадиллик билан гапира бошладилари. (Ҳаворийлар 4:31.6)

